



Кунларнинг бирида амир Кутуз калъасининг болахона айвонидан “Жабал ал-Фасиха” кўргонига назар ташлаб, унда тенгкурлари билан эшак устига сакраб ўйнаётган ёш султонни кўриб колди. Амирнинг жахли чикди, у огир хўрсиниб, “Мисрнинг хакикий хукмдори шуми? Чиндан ҳам шаҳарларни шунаканги масъулиятсиз ўспирин бошқариши кулфатдан бошқа нарса эмас”, деб кўйди.

Шундан сўнг у бир оз тинчланиб, “давлатни мен бошқараётган эканман, унинг такдири учун хавотирланмаса ҳам бўлаверади. Мен давлат ишларини бошқараётган султоннинг ноибиман, шу фурсатдан бошлаб султоннинг ўйинкаролиги мени чалгитмайди. Унга танбех ва таълим беравериб чарчадим, бироқ у насихат килувчиларга кулок солмайди ҳамда ҳеч кимнинг фикрини эътиборга олмайди”. Шундан кейин у болахона айвони эшигини ёпди, ўз хонасига йўл олиб, хабар келтирадиган чопарни кута бошлади.

Чопар келиб унга етказиладиган мактубларни узатди. Амир бирма-бир хатларни ўқишга киришди. Биринчи хатни охирига етказмай туриб юзи ўзгарди, кўзларидан ёш оқиб кетди: “Аллохдан бошқа ҳеч бир хол ва кувват йўк”, дея қайтара бошлади. Шу пайтда сокчи кириб вазир ичкарига киришга изн сўраётганини айтди.

- Амирим, сизни нима тавшвишга солди? – сўради вазир.
- Бу дунёнинг зийнати, билимлар ўчоги бўлмиш Багдод мўгулларнинг хукмдори Хулағунинг пойига кулади.

Вазир сўради:

- Бу қачон содир бўлди?

Амир жавоб берди:

- 656 йил Сафар ойининг 4 санасида.

Амир Кутуз вазирга ушбу конли фожиа тафсилотларини сўзлай бошлади: “Мўгуллар аббосийлар хукмдори ва унинг оиласини катл этдилар. Мусулмонлар Пайгамбар соллАллоху алайхи васаллам вафотидан сўнг илк бор амирсиз колдилар. Мўгуллар шу билан чекланиб колмадилар. Улар ўз йўлида кимни учратган бўлсалар, хаммани ўлдирдилар. Халок бўлганлар сони миллионга етди. Улар мусулмонларнинг уйларида нима бўлса, хаммасини тортиб олдилар. Улар Багдод кутубхоналаридан тўлиб-тошган китобларни дарёга улоқтирдилар, ва улар ёрдамида дарёдан кечиб ўтиш учун фойдаландилар”.

Кутуз бир зум тин олди, кишини қайгуга соладиган сукунат хукм сура бошлади. Шундан

сўнг вазир чикиб кетишга ва ўз ишлари билан шугулланишга изн сўради.

Кутуз хаёлга чўмди ва мозийда канчалик буюклик ва шухрат эгаси бўлганини эслади.

Унинг амакиси Жамолиддин Хоразмий мўғулларга карши курашган султон эди ва уларнинг устида кўп маротаба галаба қозонди. Бирок мусулмонлар етакчиларининг тарқоқлиги ва факат ўз манфаатлари борасида қайгуришлари унга узил-кесил галаба қилишга тўскинлик қилди.

Мағлубиятга учрашига кўзи етганида у оиласининг мўғуллар қўлига тушиб қолишидан қўрқиб, улар ўтирган кемани чўктиришга амр этди. Шундан сўнг у амакиси билан дунё кеза бошлади, амакиси мўғуллар билан урушиб юрди ва ўз ватанидан йироқда қурдлардан бирининг қўлига тушиб ҳалок бўлди. (Унинг онаси Жамолиддин Мангубердиннинг опачаси, отаси эса Жамолиддин Мангубердиннинг амакиларидан бўлган)

Кутуз шундан кейин уни Дамашк қул бозорида сотилганини ва у Ибн Заимга мамлук бўлиб қолганини эслади. У хожасидан таълим ола бошлади, Қуръондан сураларни ёд олди, фикх ва араб тилини ўрганди. Шундан сўнг у Кохирага қўчиб ўтди ва Миср султонии Малик Салоҳиддин ал-Аюбийнинг амирларидан бири Изуддин Ойбек билан ишлай бошлади. У билан бирга Кутуз кўтарила бошлади ва оқибатда амирнинг ишончли ва энг улуг мамлукларидан бири бўлиб қолди. Ойбек Мисрни бошқара бошлаганида у айнан Кутузни ўзига ёрдамчи қилиб олди ва унга мамлакатда тартиб ва ҳавфсизликни таъминлаш ва давлатни бошқариш ишларини топширди.

Султон Ойбек бахрий мамлукалар амири – алданган ва иззат-нафсининг кадрини билувчи Октой томонидан каттик қаршиликларига дуч келарди. Унинг қутку ва галаёнларидан Кохира қўчалари ҳам азият чека бошлади. Ваниҳоят, пичок суякка қадалганидан одамлар шикоят ила султонга мурожаат қилдилар.

Султон унга қарши қуч ишлатмокчи бўлди, аммо эплай олмади. Октой султонни таҳқирлаш даражасининг учига чиқди ва ҳатто унга нисбатан “султон” иборасини ишлатмай факат исми билан чақира бошлади. Ойбек учун бундан қутилишнинг энг яхши чораси Октойни ўлдириш бўлиб қолди. Бунинг учун у бир гуруҳ мамлукларни тайёрлади ва улар охир-оқибат Октойни ўлдирдилар. Бу ҳақда Октойнинг тарафдорлари билиб қолиб, қочиб кетдилар ва уларнинг орасида Бейбарс ҳам бор эди.

Ўша пайтда султон Ойбек билан унинг хотини Шажарад-Дур ўртасида адоват пайдо бўлди, уларнинг иккови ҳам бир-бирини ўлдириш пайига тушиб қолдилар. Бу ишда хотин эридан ўзиб кетди ва бирмунча вақт ўтиб ўзи ҳам ўлдирилди. Ойбекнинг ўлиmidан сўнг тахтга унинг ўғли Нуриддин Али ўтирди, ўша пайтда у ўн беш ёшга ҳам қирмаганди.

Ушбу хотиралар Кутузнинг кўз олдида ўтганида, юраги сикилди ва каттик қайғуга тушди.

Мўғулларнинг ёвузликлари тўғрисидаги хабарлар Кохира шаҳрига ҳам етиб келди, одамлар Шом шаҳарларининг бирин-кетин мўғулларга таслим бўлаётганига ишонмай қолдилар. Мўғуллар мазкур шаҳарларда мусулмонларни қатли-ом қилдилар, уйлари ва қалъаларни вайрон қилдилар, мол-мулкларини ўлжа қилиб олдилар. “Енгилмас” мўғуллар ҳақидаги хабарларни эшитган мисрликларнинг юраклари қўрқувдан ёрилиб кетадиган даражага етарди. Қиргин тегирмонидан бутун чикиб қутилган одамларнинг

муболагали хикоялар бу кўркунни янада кучайтирар ва одамлар мукаррар такдирга тан беришга ҳамда душман келишига ва ҳеч қандай қаршиликларсиз таслим бўлишга тайёр турардилар.

Ушбу хабарлар Кутузнинг калбидаги гамини кучайтирар, бу вақтда эса содир бўлаётган воқеаларга бефарқ ва хабарсиз қолаётган ёш султон ўйинлардан бўшамас, амирлар эса уларни нималар қутаётгани борасида ташвишланмасдилар. Одамлар бир-бирларига даҳшатли воқеалар ҳақидаги хикояларни қайта-қайта сўзлашар, бундан юракдаги ваҳима кучайиб борарди. Минглаб қочокларнинг мамлакатга келишлари уларнинг Шомда бошидан кечирганлари ҳақидаги хикоялар Кутузнинг қайғусини кучайтирарди.

“Ҳозир нима қилиш керак?” деган фикр Кутузнинг хаёлидан кетмасди. Шундан сўнг унинг хаёлига қичкина султонни тахтдан четлатиб, бу ишларнинг ҳаммасини ўз қўлига олиш фикри келди. Бирок шу фурсатда унинг ичидан “Ўз устозингизни фарзандини четлатиб ўзингиз тахтга ўтирмакчимисан? Бу олийжаноб одамларнинг ҳулқ-атворида тўғри келмайдиган иш”, деган овоз келди.

Бирок ақл ва ҳикмат садоси “Ноилоҳ ҳолатларда бошқача қарорлар керак, давлат тизгини шаҳарлар муаммоларни ҳал қила оладиган ва бошқарув юқини қўтара оладиган ишончли қўлларда бўлиши лозим, онасининг измидан чиқмайдиган ўспириннинг қўлида эмас”, деган жавобни берди.

Бу фикр унинг калбида ўрнаб қолди ва у тушида Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрганини ва ул Зот бобаракот амирга мўғуллар устидан ғалаба қозонишини башорат қилганларини эслади. 657 ҳижрий йилнинг 24 Зул-Қаъда санаси қуёши қўтарилган шанба кунда амирлар машрик саҳросига шикорга отландилар, ана ўша кун Кутуз ўспирин султонни тахтдан ағдаришга қарор қилди. Амирларнинг деярли ҳаммаси овға, Қоҳирадан ташқарига чиқиб кетдилар, Кутуз фурсатдан фойдаланиб султони, унинг уқасини ва онасини салтанатдан четлатди.

У султон оиласини қалъа минораларидан бирига жойлаштириб, ўзини султон деб эълон қилди. Ҳозир турган амирлар унга байъат бердилар ва у ўзини “Амири Музаффар” дея эълон қилди. Шикордан қийтиб қелган амирлар ўспирин султоннинг бандиликда сақланашига қарши чиқдилар. Кутузга уларнинг розилиги керак эди ва у шундай деб айтди: “Мен бу ишни ҳокимиятни эгаллаш илжинида қилмадим. Мен бу ишни мўғулларга қарши жанг қилиш учун амалга оширдим. Бу ишни эса фақат қучли ҳукмдорнинг қўли остида амалга ошириш мумкин. Агар биз юриш қилиб, мўғулларни енгсак, унда сизлар истаган одамингизни ўзингизга султон қилиб олишингизга рози бўламиз”.

Бу гапни эшитган ғазабнок амирларнинг қалби юмшади ва улар Кутузни султон дея тан олдилар.

Бу пайтда Мўғуллар Шомда ўзларининг босқинчилик ҳужумларида давом этар, бир шаҳарни вайрон этиб бўлиб, бошқасига ўтишар ва ўз йўлларида учраган ҳар бир мусулмонни қиличдан ўтқазишарди. Ваниҳоят улар Дамашққа қириб бордилар ва шундан сўнг Баъалбакка йўл олдилар, уларнинг бир қисми Ғаззога қараб кетди. Ҳаммани кўркув

хисси эгаллаб бўлган, ҳеч ким уларга қарши чиқишга ботина олмаётган эди. Мўғулларнинг мусулмонларга қарашли барча ерларини эгаллашга тўсик қолмаган, фақат Миср қолган эди.

Кутуз мўғуллар ҳақидаги янгиликларни қузатиб, улар билан учрашувга тайёрланиб турган пайтда Хулагудан унга ҳамда бошқа амирларга йўналтирилган таҳдидлардан иборат мактуб келди. “Биз Тангрининг ердаги қўшинларимиз. У бизнинг ўзининг қазабидан барпо этди ва қазабига учраганларнинг устига йўллади. Бошқалардан ибрат олинган ва бизга бўйсунинганлар. Биз йиглаган ва қолганларга шавқат қилмаймиз. Биз барча шаҳарларни қабт этганимиз ва ерни қитнадан тозалаяганимизни, одамларнинг қўпчилигини ўлдирганимизни эшитгансиз. Қочиқ қолинганлар!..” – дейилганди унда.

Султон ўтириб олиб бу хатнинг мазмуни ҳақида эрталабгача ўйлаб чиқди. Ўйку қолмади. Тонг отиши билан у номозини ўқиб, тўғри қарор қабул қилиш, тайёрланиш ва девонга чиқиш учун Аллохнинг нусратини сўраб дуо қилди.

Султон қенгашга етиб қелди, унинг атрофида давлатнинг нуфузли аёнлари ва қозилар тўпландилар, у тўпланганларга Хулагунинг мактубини ўқиб берди ва бу ҳақда ўз фикрларини билдиришни сўради. Қенгашдагилар бошларини қуйи солиб индамай қолдилар, давлатнинг тақдири тўғрисида ўйлай бошладилар.

Аёнлардан бири Қоҳира Бағдод, Дамашқ ва Халаб қаби қайрон бўлиб, қонга ботиб қолмаслик учун мўғуллар билан қелишиб, уларга бўйсунити қерақлиги ҳақида гақира бошлади. Бошқалар уни қўллаб, бу қарор ақл ва ҳикмат маҳсули бўларди, дейишди. Султон бу фикр ва қайфият ўтирганларнинг ҳаммасини ўзига ром этиб қолишдан қўчиди ва қатъият ила “Қиндан ҳам бу қайқлик ва бўйсунитишга ундовқи фикр бўлди. Шунча қуролитиш ва муқмитиш бўла туриб, қанақасига Ислоқ душманларига қарши қиқишдан қўрқамиз? Ҳақиқат шуқи, Аллох бизга қазфар ато этади ёқи биз шаҳид бўламиз. Аллохнинг иққи раҳматидан қирига эга бўламиз... Биз душманнинг бостириб қелишини қутмаймиз. Ўйқ! Биз уларга қарши пешвоз қиқамиз!”

Султоннинг сўзлари ярага қўйилган малҳам қаби ўтирганларнинг қалбига хотиржамлик қолди. Қенгаш аъзоларининг ҳаммаси мўғулларга бўйсунмаслик ва уларга қарши уруш олиб боришга қарор қилдилар. Ушбу фикрдан айниб қолмаслик учун у мўғул элчиларини қатл этишга амр этди. Уларнинг қесилган бошларини Қоҳиранинг турли даҳаларига илиб қўйдилар, буни қўриб одамларда галабага ишонқ ўйгона бошлади.

Тайёргарлик қўрилаётган пайтда Шомга қочган Бейбарс ўзининг тарафдорлари билан қайтиб қелди ва Кутуз билан мўғулларга қарши жанг қилиш истагини билдирди. Султон уни қабул қилди ва шу билан қўшинларини қучайтирди.

Кутуз душманнинг қелишини қутиб ўтирмай, душманга қарши юриш қилгани жўнаш учун ўз қўшини билан Қоҳирага етиб қелди. Баъзи амирларнинг мўғулларга қарши қураш борасида иққиланиб турганларини қўрган Кутуз уларга қарата: “Эй мусулмонларнинг амирлари, умумий газнадан озукаланган вақтни унутдингизми? Энди бўлса урушга қиқишни истамай қолибсиз? Мен мўғулларга қарши газотга отландим, қим Аллох ўйлида

жанг килишни истаса, менга кўшилсин, истаманлар уйида колаверсин. Аллох хар бир ишни кўриб тургучидир”, деб хитоб килди.

Унинг бу сўзлари иккиланаётган мусулмонларга таъсир килди ва душманга рўпара келишга кўрканлар Аллох йўлида жанг килиш иштиёкида унга кўшилдилар. Аллох ўзининг хифзу химоясига олган лашкар Шомни озод килгани йўлга чикди.

Илгор кўшинни Бейбарс бошқараётган бўлиб, у мўғулларнинг бир кисми жойлашган Газзога караб йўл олди. Манзилга етиб келган Бейбарс тўхтаб ҳам ўтирмай хужумга ўтди ва мўғулларни тор-мор этди. Ушбу кичкина галаба жуда катта ахамият касб этди: у хар бир аскарнинг калбига ишонч хиссини кайтарди.

Мисрликлар кўшини хужум килганда Хулагу Шомда эмасди. Унинг кўшинини Китбуга бошқараётган, Хулагу эса мўғулларнинг янги хаконини сайлаш учун мамлакат пойтахти Каракумга кетган эди. Китбуга Кутуз бошлик миср кўшини етиб келганини эшитиб унга карши боришга қарор килди. У мисрликлар бекорга таваккал килиб келдилар, улар албатта бу ерда ўлимга юз тутадилар, дея ўзини алдамокчи бўли. “Улар чекиниш нималигини билмайдиган мўғулларга дуч келадилар”, дея ўзига-ўзи кайтариб келарди ва жилмаярди. Китбуга ўз кўшини билан Фаластиндаги Бефсан шахрига якин бўлган Айн ал-Жалут деган жойга йўл олди.

Кутуз Шом киргогидан юриб, шундан сўнг шаркка караб Фаластингача йўналди ва мўғуллар кўшини турган Айн ал-Жалутга етиб келди.

Хижратнинг 658 йили Рамазон ойининг 25 санасида мукаддас ойнинг баракаси нозил бўлди. Улар биринчи мусулмонларнинг Бадрдаги галабасини эсладилар ва қувондилар, уларнинг калбларига хотиржамлик ўрнади. Кутуз лашкарни сафга тизиб, жанга тайёр бўлди.

Мўғуллар кутиб ўтирмай шиддатли хужумга ўтдилар, бир фурсатда гўё мусулмонларнинг сафи пароканда бўлаётган, мўғуллар зафар кучаётгандек туюлди. Бирок шу пайтда султон Кутуз наъра тортиб: “Ё Ислом! Ё Ислом!” дея кичкира бошлади.

Бу мусулмонлар кўшинига далда бўлди, улар гўё дахшатли кучга эга бўлдилар ва жангда сабр ва матонат ила ҳаракат кила бошладилар. Мусулмонлар душманнинг хужумига дош бериб, мўғулларга карши хужумга ўтдилар, шунда сўнг рақибнинг сафларида тўкилиш юз берди, мўғул жангчилари иккиланиб қолдилар. Жангда Китбуга ўлдирилди, бу эса душман кўшинининг иродасини синдирди, улар қочишга тушдилар, мусулмонлар уларнинг ортидан қувиб, бирма-бир қиличдан ўтказа бошлади ва оқибатда жанг майдонни мўғулларнинг жасадлари билан тўлиб қетди.

Галабадан сўнг султон отидан тушиб, Аллох таолога шукрона саждасини бажарди. Барча амирлар келиб уни галаба билан қутлай бошладилар, унинг кўзларидан хурсандчилик ёшлари қалкиди. У мусулмонларнинг катта ўлжаларга эга бўлганини кўриб қувонди.

Мўғуллар Шомдаги ушбу катта маглубият хакида эшитиб, кочишга тушдилар. Кутуз Шомнинг шаҳарларини айланиб, хайитнинг иккинчи куни Дамашкка кириб келди. Бу ерда у давлат ишларини тартибга келтириш учун бир муддат қолиб кетди.

Кутуз тартиб ўрнатилганига ишонч ҳосил қилганидан сўнг Коҳирага қайтишга қарор қилди. Бироқ тақдир унга буни насиб қилмади. Коҳирага киришдан олдин шаҳар ёнида султон истироҳат олсин деб унинг учун қодир ўрнатдилар. Ўша пайтга қелиб султон билан Бейбарс ўртасидаги муносабат қасимчилик туфайли ёмонлашиб қолди. Бейбарс султонни даф қилиш пайига тушди. У бу ишни амалга ошириш учун амирлар орасидан бир нечта шерик топди. Шайтон уларнинг ақлини олиб қўйди ва фитначилар ёвуз ниятини оширишга қулай пайт пойладилар.

Шундай фурсат султон Кутуз овга чиқиб, ўз қўшинидан узоқлашган пайтда пайдо бўлди. У амирлар орасида турган пайтда Бейбарс қелиб, султондан мўғул миллатига мансуб асира жорияни ҳадя қилишини сўради. Султон рози бўлиб, унга сўраганини берди. Шу пайтда Бейбарс гўё султонга ўз миннатдорчилигини билдириш учун унга яқинлашди. Султон унга қўлини узатганида Бейбарс қўлни маҳкам ушлаб қолиб, султонни қимирлашига йўл қўймади. Бу унинг шерикларига ишора бўлди: қолган амирлар қилич қўтариб Кутузга ташландилар, султон ҳалок бўлиб йиқилди. Бу Зул-Қаъда ойининг 15 санасида қодир бўлди.

Унинг бошқаруви 11 ой 17 кун давом этди. Бироқ унинг номи тарих қитобларида абадий қолди ва унинг ғалабаси қасорат ва қидойилиқнинг намунасига айланди.

“Дурус фи тарих Ал-Ислам” ва “Қадат ва ал-абтал - Сайфиддин Кутуз” қитобларидан олинди